

## ҚОРАҚЎЛЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛИ

**Шодиев Бекзод Тўлкинович,  
Қарши муҳандислик-иқтисодий институтининг  
доценти, и.ф.ф.д. (PhD)**

**Аннотация.** Мақолада қоракўлчилик кластерларининг ривожланиш истиқболи масаласи баён этилган. Қоракўлчилик кластерларида маҳсулотларни тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимида кўшилган қиймат занжири динамикаси бўйича инновацион фикрлар билдирилган.

**Калит сўзлар:** яйлов, чорвачилик, қоракўлчилик, экотизим, ресурстежамкор ишланма, таназзулик, биохилма-хиллик, математик усуллар, иқтисодий самара.

## ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ КАРАКУЛЕВОДЧЕСКИХ КЛАСТЕРОВ

*Шодиев Б.Т., доцент,  
кафедра «Инновационная экономика»  
Каршинский инженерно-экономический институт (г. Карши,  
Узбекистан)*

**Аннотация.** В статье рассмотрен вопрос перспективы развития каракулеводческих кластеров. Были представлены инновационные идеи по динамике цепочки добавленной стоимости в системе производства, переработки и реализации продукции в каракулеводческих кластерах.

**Ключевые слова:** пастбища, животноводство, каракулеводство, экосистема, ресурсосберегающее освоение, деградация, биоразнообразие, математические методы, экономическая эффективность.

## PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF KARAKUL FARMING CLUSTERS

**Shodiyev B.T., associate professor,  
Department of “Innovative Economics”  
Karshi Engineering and Economic Institute (Karshi, Uzbekistan)**

**Annotation.** The article examines the issue of the prospects for the development of karakul farming clusters. Innovative ideas were presented on the dynamics of the value chain in the system of production, processing and sales of products in karakul farming clusters.

**Key words:** pastures, animal husbandry, astrakhan breeding, ecosystem, resource-saving development, degradation, biodiversity, mathematical methods, economic efficiency.

Мамлакатимизда қорақўлчилик тармоғини ривожлантириш ва унинг кишлоқ хўжалигидаги ўрнини таъминлаш, қорақўл маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва уларнинг турларини кўпайтириш асосида кенг қўламли таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш, чорвачиликда хусусий мулкнинг устувор аҳамияти ва наслчилик ишларини такомиллаштириш, яйловлардан самарали фойдаланиш, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва рақобатдошлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш ва экспортга йўналтириш масалаларига катта эътибор қаратилди.

Қорақўлчиликни жадал ривожлантиришни таъминлаш, қорақўлчилик кластерларини ташкил қилган ҳолда хом ашёни чуқур қайта ишлашни ташкил этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларга олиб чиқишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, жойларда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6059-сон Фармон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 705-сон қарори қабул қилинди.

Қорақўлчилик кластерининг асосий йўналиши – қорақўл қўйларини интенсив парвариш қилиш, яйловлар ҳосилдорлигини ошириш ва тартибли фойдаланишни йўлга қўйиш ҳисобланади.

Қорақўлчилик кластерларининг самарали фаолият кўрсатишларини таъминлашда энг асосий омил – кластер фаолиятини бугунги ва

истикболдаги фаолият йўналишларини, стратегик режаларини, мавжуд ички ва ташқи имкониятларни аниқ ҳамда тўғри белгилаш муҳим рол ўйнайди.

Тадқиқотларимиз натижалари асосида Қашқадарё вилоятида қорақўлчилик кластерининг ривожланиш истиқболи SWOT-таҳлили асосида баҳоланди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Қашқадарё вилоятида қорақўлчилик кластерларининг ривожланиш истиқболининг SWOT-таҳлил натижалари<sup>1</sup>

КУЧЛИ ТОМОНЛАРИ (Strengths)	ЗАИФ ТОМОНЛАРИ (Weaknesses)
<ul style="list-style-type: none"> <li>- кластерлар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича ҳуқуқий-меъёрий асослар мавжуд;</li> <li>- тармоқ раҳбарлари томонидан аниқ бизнес-режалар ишлаб чиқилган;</li> <li>- хўжаликлар томонидан тармоқда ислоҳотлар қўллаб-қувватланади;</li> <li>- кластерлар қорақўлчилик хўжаликларини иқтисодий самарадорлигини мустаҳкамлайди;</li> <li>- етиштирилаётган маҳсулотларга ички бозорда талаб юқори;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- маҳаллий даражада яйлов ерларида ўзбошимчилик билан чорвачилик билан шуғулланаётган аҳоли сонининг кўплиги;</li> <li>- малакали мутахассис кадрларни етишмаслиги;</li> </ul>
ИМКОНИЯТЛАР (Opportunities)	ХАТАРЛАР (Threats)
<ul style="list-style-type: none"> <li>- қорақўлчиликка ихтисослашган кластерлар фаолиятига тижорат банклари томонидан кредитлар ажратилиши;</li> <li>- кластерларни ташкил қилиниши ва фаолият кўрсатилишида инновацион технологиялар ва ресурстежамкор асбоб-ускуналарни олиб кирилишида имтиёзларни қўлланилиши;</li> <li>- кластерлар фаолиятини самарали йўлга қўйиш бўйича давлат томонидан муддатли имтиёзлар берилиши;</li> <li>- қорақўлчилик хўжаликларининг сарф-харажатларини қисман қоплаш мақсадида субсидияларни ажратилиши;</li> <li>- қорақўлчилик кластерлари фаолиятига инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш бўйича имтиёзларни яратилаётганлиги ва бошқалар.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- сурункали иқлим ўзгариши ва қурғоқчилик йилларини кўп бўлиши;</li> <li>- яйлов ҳудудларида таназзулга учраган ер майдонлари ҳажмининг кўплиги;</li> <li>- сурункали сувсизликни юз бераётганлиги;</li> <li>- аҳоли тасарруфидаги чорва молларини турлари бўйича аниқ сонини белгиланмаганлиги;</li> <li>- яйлов ўсимликларини экиш ва қўриқлаш ишларига тўлиқ амал қилинмаслиги;</li> <li>- турли ресурсларни зарур вақтларда етишмаслиги.</li> </ul>

Республикамизда қорақўлчилик кластерларини ташкил қилиш янги тузилма – мулкчилик шакли бўлганлиги сабабли ушбу тузилманинг замонавий менежмент - бошқарув тузилмаси, “ишлаб чиқариш, таъминот,

<sup>1</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

хизмат кўрсатиш ва бошқа йўналиш”лардаги айрим муаммолар юзага чиқмоқда.

Қоракўлчиликни ривожлантиришнинг энг асосий омили бўлиб – яйлов ерларининг ҳосилдорлигини ошириш, таназзулликка учраган яйлов ерларини сақлаш, тиклаш ва ҳосилдорлигини ошириш бўйича аниқ агротехнологик тадбирларни амалга оширилиши талаб қилинади.

Истиқболда яйловлар ҳосилдорлигини оширишга қуйидаги омиллар ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ:

1. Яйлов ерларининг барқарор майдонини мавжудлиги;
2. Яйловларни рекультивация қилиш, фитомелиоратив тадбирларни амалга ошириш ва янги турдаги чўл-озуқа экинларини экиш, яйлов алмашлаб фойдаланиш, загон-участка тизимида қўйларни боқилишини йўлга қўйиш ва бошқа тадбирлар ҳисобига табиий яйловлар ҳосилдорлигини ошириш;
3. Яйловлар ҳосилдорлигини илғор хўжаликлар ва яхши ҳолатдаги яйловларнинг ҳосилдорлигига эришиш, яъни ҳар бир гектар яйлов еридан 3 цент. озуқа бирлигида ҳосилдорликка эришиш;
4. Олдиндан суғориладиган, аммо кейинчалик турли объектив-субъектив сабаблар натижасида фойдаланилмасдан қолинган суғориладиган ерларни қоракўлчилик кластерларига ҳам бириктириш ва бу ерларда сув чиқариб, озуқа экинларини етиштиришни йўлга қўйиш;
5. Қоракўлчилик наслчилик масъулияти чекланган жамиятлари балансидаги суғориладиган ерларда чорва моллари учун кучли озуқа экинларини экилишини рағбатлантириш;
6. Харид қилинадиган кучли концентрат озуқаларни ҳақиқий меъёр даражасида таъминланишини, шу жумладан ташқи бозордан импорт йўли орқали харид қилинишини молиявий қўллаб-қувватлаш;
7. Бир йил давомида ҳар бир бош қўй бош сони ҳисобига озуқа сарфини меъёр даражасида – 4,96 ц. озуқа бирлигида белгилаш ва шу

миқдорда озуқа жамғарилишига эришиш учун тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Юқоридаги тадбирларни илмий ва амалий жиҳатдан асосланган тарзда амалга оширилиши қорақўлчилик хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқаришни барқарор ўсишини таъминлаш, соҳани техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ва энг асосийси, қорақўлчилик соҳасида меҳнат қилаётган чорвадорлар, мутахассис-ишчиларнинг даромадларини кўпайтириш ҳамда улар яшаётган ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга муҳим пойдевор ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6059-сон Фармон. <https://lex.uz/docs/4980311>

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 705-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5090474>

3. Musagaliev A. J., Shodiev B. T. Issues of Efficient Usage of Pastures in the Development of the Cattle Farming Network //UTTAR PRADESH JOURNAL OF ZOOLOGY. – 2023. – Т. 44. – №. 1. – С. 81-87.